



## ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

*проф. Азимова Феруза*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

*ORCID: 0009-0007-8007-7276*

*[azimovaf@gmail.com](mailto:azimovaf@gmail.com)*

*доц. Юлдашев Самад*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

*ORCID: 0009-0003-9849-2866*

*[syuldashev909@gmail.com](mailto:syuldashev909@gmail.com)*

*Курамбаева Нафиса*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

*ORCID: 0009-0001-6634-272X*

*[kuranbayevanafisa@gmail.com](mailto:kuranbayevanafisa@gmail.com)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада иқтисодий ривожланишнинг янги босқичида саноат корхоналари самарадорлигини оширишнинг ҳозирги ҳолати баён этилган.

**Калит сўзлар:** чарм-пойабзал, самарадорлик, ташкилий-иқтисодий механизм, пировард натижа, харажат, маҳсулот, пойабзал, унумдорлик.

## ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ НА НОВОМ ЭТАПЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

*проф. Азимова Феруза*

*Ташкентский институт текстильной и лёгкой промышленности*

*доц. Юлдашев Самад*

*Ташкентский институт текстильной и лёгкой промышленности*

*Курамбаева Нафиса*

*Ташкентский институт текстильной и лёгкой промышленности*

**Аннотация.** В данной статье изложено текущее состояние повышения эффективности промышленных предприятий на новом этапе экономического развития.

**Ключевые слова:** кожаная обувь, эффективность, организационно-экономический механизм, конечный результат, затраты, продукция, обувь, производительность.

## CURRENT STATE OF EFFICIENCY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE NEW STAGE OF ECONOMIC DEVELOPMENT

*prof. Azimova Feruza*

*Tashkent Institute of Textile and Light Industry*

*assoc. prof. Yuldashev Samad*

*Tashkent Institute of Textile and Light Industry*

*Kurambayeva Nafisa*

*Tashkent Institute of Textile and Light Industry*

**Abstract.** *This article describes the current state of improving the efficiency of industrial enterprises at a new stage of economic development.*

**Keywords:** *leather footwear, efficiency, organizational-economic mechanism, final result, cost, product, footwear, productivity.*

### **Кириш.**

Бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, чарм-пойабзал тармоғини жадал ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурлар изчил амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу мақсадли давлат дастурларининг самараси бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 53,9 фоизга етганлигида ўз аксини топади. Ушбу кўрсаткич 2000 йилда 31,0 фоизни 2020 йилда эса 52,5 фоизни ташкил этганлиги айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Республикаимизда ҳозирги вақтда саноат корхонаарини янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, сифат менежменти тизимини жорий этиш, бошқаришда инновацион усулларни қўллаш борасида кенг қўламдаги амалий ишлар қилинмоқда. Бу соҳадаги муҳим йўналишлар тайёр маҳсулотлар бозорида ҳам, хомашё бозорида ҳам импорт ўрнини босишга қаратилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "...иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар" устувор йўналиш сифатида белгиланди (Фармон, 2022).

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш, чарм-пойабзал тармоғини, соҳа корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толаси тўлиқ ва ип калаванинг 45 фоизи қайта ишланмоқда. Шунингдек, соҳанинг экспорт салоҳияти 3,5 миллиард доллардан ошди.

Бугунги кунда сифатли пойабзал ишлаб чиқариш учун республикага юзга яқин турдаги асосий ва қўшимча материаллар, яъни кимёвий моддалар, бўёқлар, фурнитура, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришда керакли бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар чет эллардан келтирилади. Ҳозирги кунда уларнинг етишмаслиги туфайли фаолият кўрсатаётган пойабзал саноати корхоналари тўлиқ қувватининг фақат 30–40% дан фойдаланмоқда. Тармоқ тараққиёти суръатларини ушлаб турувчи яна бир муҳим сабаб ишлатилаётган ускуналарнинг ҳолатидир. Корхоналарнинг асосий фондлари ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан эскириб кетган, хизмат муддати 40 йил ва ундан ҳам ошган ускуналардан фойдаланилмоқда. Ҳозирда пойабзал тармоғи олдида ишлаб чиқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш асосида ўз маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш йўллари фаол излаш масаласи кўндаланг турибди. Фақат самарали янгиликларни жорий этиш орқали маҳаллий маҳсулотларга ишончли

ва доимий талабни таъминлаб берувчи рақобатбардош маҳсулотлар бозорини яратиш мумкин, бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон чарм-пойабзал саноатини жаҳон даражаларига кўтарилишига сабаб бўлади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Тадқиқот натижаси кўрсатадики иқтисодиётни модернизация қилиш шароитларида саноат корхоналари самарадорлигини оширишнинг назарий ва методологик масалалари иқтисодчи олимлар томонидан турлича ёндашувлар шакллантирилган.

Иқтисодчиларнинг бошқа бир қисми яъни Мамаджанов (2001) самарадорликни белгиловчи ягона умумий кўрсаткични яратишга уринадилар.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг фикрича «самарадорлик бу барча турларнинг моҳияти, унинг мезонларида ифодаланиб, у «натижа» ва «харажат» нисбатида ўз ифодасини топади ҳамда анъанавий ва бозор кўрсаткичлари тизими орқали аниқланади. Барча мазмундаги самарадорлик даражаси техника тараққиётига, иқтисодий ресурсларнинг унумдорлиги ва улардан фойдаланиш даражасига, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга боғлиқ бўлади» (Монография, 2011).

Хусусан, Юсупова (2008)нинг фикрича «... иқтисодий самарадорликда қуйидаги кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш мумкин: фонд самарадорлиги, асосий фондларнинг янгилашиш даражаси, таркибий инвестициялар даражаси, ҳудудий коэффициентлар».

Қодиров А., Абулқосимов Х., Камоловлар М. (1995) «ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилашда умумий, ҳамма воқеликни умумлаштирувчи кўрсаткич вазифасини бажара оладиган якуний пировард кўрсаткич йўқдир», деб таъкидлайдилар.

Авдеенко В.Н. ва Котловлар В.А. (2001) «Корхонани ишлаб чиқариш салоҳияти мураккаб тизимни ташкил этгани учун улардан фойдаланиш самарадорлиги битта эмас, балки кўрсаткичлар жамланмаси билан тавсифланади», деб фикр юритадилар.

Попков В.В. (2018) «Корхона фаолиятига баҳо бериш учун иложи борица ягона комплекс интеграл кўрсаткичга эга бўлиши керак», деган фикрни илгари суради.

Бизнинг фикримизча чарм пойабзал саноати корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун иқтисодий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, самарадорликни баҳолаш учун яхлит умумлашган кўрсаткични яратиш ўзаро мос келмайдиган кўрсаткичларни тенглаштириш ва бирлаштиришни тақозо этади. Ваҳоланки, бу кўрсаткичлар турлича ўлчов бирликларида акс эттирилади ва улар ишлаб чиқариш фаолиятининг турли томонларини ёритишга асосланганлиги боис уларни бир ўлчамга келтириш, таққослаш, ёки улар асосида аниқ ҳисоб-китоб юритиш амалиётда катта қийинчилик туғдиради, ҳамда қилинган таҳлилларнинг ишончлилиги таъминланмайди. Шунинг учун корхонанинг молиявий-иқтисодий имкониятларини тўлиқ тавсифлай оладиган турли кўрсаткичлардан ёки кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш корхонанинг самарадорлик даражасини аниқ ҳисоблаш имкониятини яратади.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, статистик усулларида фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотларидан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва келажақда ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш корхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Шу сабабдан ҳам янги иқтисодий тизимга ўтиш даврининг бошидаёқ миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида самарадорликга эришиш ва уни ошириб бориш масалалари биринчи ўринга қўйилди.

Саноат корхоналарининг самарали фаолият юритиши – режалаштирилган (мўлжалланган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатларини ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашни англатади.

Иқтисодий адабиётларда “самара”, “самарадорлик”, “ижтимоий- иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларни ёритишга етарлича эътибор қаратилган. Аммо, бу тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

“Иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий неъматлар ҳажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан эришилган иқтисодий неъматлар муносабатидир. ... Харажат билан натижани таққослаш орқали иқтисодий самарадорлик ифодаланади” (Қодиров, 2013).

“Самара” ва “самарадорлик” ўзаро тушунчалар бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Айни пайтда, айтиш мумкинки “самарадорлик” тушунчаси ниҳоятда кенг. У олинган самаранинг сарфларга нисбатини акс эттиради.

Маълумки, иқтисодиёт натижалиликни, фойдалиликни тақазо қилади. Бунинг учун энг кам ресурс сарфлаб, кўп натижага эришиш зарур бўлади. Тасарруфидаги ресурслардан оқилона фойдаланиб ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш мумкин.

Ишлаб чиқариш корхоналари маълум миқдорда харажат қилади ва маълум бир натижа (самара) га эришади. Самарадорликни аниқлашда эса олинган натижани, унга эришиш учун сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққосланади. Демак, самарадорлик – бу ишлаб чиқариш натижаси билан унга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир.


Иқтисодий самарадорликка жонли ва буюмлашган меҳнатдан унумли фойдаланиш орқали эришилади. Қолайверса, саноат корхоналарининг мақсади истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини қондириш орқали фойда олишдир. Бунга эришиш учун улар барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳар бир бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтириш керак бўлади. Яъни, иқтисодий самарага эришиш талаб қилинади.

Иқтисодий самара – бу моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш туфайли эришилган миқдор. У вақтни тежаш, таъмирлаш муддатларини қисқартириш, меҳнат

сарфини тежаш, иш вақтининг беҳуда кетишини камайтириш, маблағлар айланишини тезлаштириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқа натижаларни ўзида акс эттиради.

Бозор иқтисодиётининг қатъий талаблари остида жаҳон иқтисодий амалиётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар самарадорликнинг талаблари ва стратегик мақсадларини сифат жиҳатидан ўзгартирди ва корхоналарнинг иқтисодий фаолияти ҳолатини акс эттирувчи энг муҳим мураккаб тоифалардан бирига айланиб, саноат корхоналари фаолиятини янада ривожлантиришни белгилайдиган ишлаб чиқариш тузилмасининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда устувор йўналишлар, ишлаб чиқариш ва молиявий имкониятлар таҳлилини кучайтириш зарурлигини аниқ белгилади.

Бизнинг фикримизча, турли тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ва назарий қарашларига ҳурмат кўрсатган ҳолда, самарадорликнинг моҳиятини тушуниш учун, тақдим этилган ёндашувларни бирлаштириш ва “самарадорлик” тушунчасини сифат ва миқдорий хусусиятларнинг иқтисодий тоифаси сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва у рақобат потенциали таъсирини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг стратегик мақсадларига эришиш даражаси билан белгиланадиган мақсадли ва иқтисодий самарадорлик, шунингдек якуний натижанинг уни олиш учун сарфланган ресурслар билан нисбатини қамраб олади (1-расм).



**1-расм. Корхона самарадорлигининг асосий таркибий қисмлари**

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти мезонлари бошқарув самарадорлигини таҳлил қилиш учун энг муҳим йўналиш ва ишончли асосдир. Ушбу натижаларнинг ҳар томонлама табиати нафақат корхона фаолияти кўрсаткичларини, балки унинг ҳамкорларининг кўрсаткичларини ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодиёт модернизациялашувининг бугунги шароитида саноат корхоналарининг барқарор ривожланиши, уларнинг ички ва ташқи бозорларда ўзига хос ўрин эгаллай олишлари учун аввало, ишлаб чиқариш соҳасида юқори самарадорликни таъминлаш лозим. Бунинг учун эса самарадорликка таъсир этувчи барча шарт-шароит ва омилларни яъни ташкилий-хўжалик, иқтисодий-ижтимоий, техник-технологик омиллар ва уларнинг ўзаро алоқадорликларини ҳисобга олиш талаб этилади.



Шу муносабат билан бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва кўрсаткичларни қуйидаги кўринишда бир тизимга келтириш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

## 1- жадвал

## Ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар тизими

|     |                                                                                                                                                                                             |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| I   | Ташкилий хўжалик омиллар                                                                                                                                                                    |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
| 1.  | Корхона географик жойлашувининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги                                                                                                                     |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
| 2.  | Ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш ва бошқариш                                                                                                                                             |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
| 3.  | Корхонанинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражаси                                                                                                             |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
| 4.  | Корхона ишчи-ходимлари учун яратилган меҳнат шароитлари ва уларнинг якуний натижаларидан манфаатдорлик даражаси                                                                             |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
| 5.  | Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси                                                                                                                                                |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
| 6.  | Бошқалар                                                                                                                                                                                    |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
| II  | Технологик омиллар                                                                                                                                                                          |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
| 1.  | Замонавий техник-технологик занжири ҳолати                                                                                                                                                  | 3. | Ишлаб чиқаришни тубдан модернизация қилиш ишларини жадаллаштириш                                                                                                                                                                      |
| 2.  | Корхоналарнинг инновация фаолиятини ривожлантириш                                                                                                                                           | 4. | Бошқалар.                                                                                                                                                                                                                             |
| III | Иқтисодий омиллар                                                                                                                                                                           |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
| 1.  | Анъанавий омиллар<br>а) Таннарх<br>б) Жами маҳсулот<br>в) Товар маҳсулоти<br>г) Ялпи даромад<br>д) Фойда<br>е) Фонд самарадорлиги<br>ё) Меҳнат унумдорлиги<br>ж) Рентабеллик<br>з) Бошқалар | 2. | Бозор омиллари<br>а) Товарнинг рақобатбардошлик даражаси;<br>б) Тўловга қодирлик ва ликвидлик даражаси;<br>в) Экспортга йўналтирилганлик даражаси;<br>г) Талаб ва таклиф, маркетинг хизмати<br>д) Молиявий барқарорлик<br>е) Бошқалар |
| IV  | Ижтимоий омиллар                                                                                                                                                                            |    |                                                                                                                                                                                                                                       |
| 1.  | Ходимларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги<br>Жамоадаги ижтимоий ва руҳий вазият<br>Меҳнатни моддий рағбатлантириш<br>Дам олиш, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш шароитлари                    | 3. | Корхона ва ташкилот салоҳияти (унинг маҳаллий ва халқаро даражадаги ўрни, корхоналараро устуворлиги)<br>Иш шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш                                                                                      |

Корхона географик жойлашувининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги унинг транспорт, алоқа, коммуникация тизимлари, бозор инфратузилмаси муассасалари, моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминланиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бозори, табиий-экологик шароитларга нисбатан қулай жойда жойлашишида намоён бўлади.

Шунингдек, корхонада замонавий ишлаб чиқариш ва бошқариш усулларида фойдаланиш, унинг барча (моддий, меҳнат ва молиявий) ресурслар билан таъминланганлик даражаси, ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган инсон соғлиғи учун зарарли бўлган шовқинлар ва атмосфера ифлосланишининг олдини олиш, дам олиш ва даволаниш учун яратилган шароитлар, ходимларнинг меҳнат ҳақи, мукофотлар (дивиденд) каби тўловлар билан таъминланиш ва ишлаб чиқариш қуввати (ижтимоий-иқтисодий, табиий ва бошқа имкониятлар) дан фойдаланиш даражаси, мамлакатдаги транспорт, алоқа, савдо, моддий-техника таъминоти, коммуникация, фан, маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқа тизимларнинг ривожланганлик даражаси,

хукуматнинг корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий-меъёрий ёрдам кўрсатиш, қулай рақобатчилик муҳитини шакллантириш каби чоратадбирлари ва бошқа ташкилий хўжалик омиллари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи иқтисодий омилларни шартли равишда икки гуруҳга, яъни анъанавий ва бозор омилларига ажратиш мумкин. Анъанавий омиллар гуруҳига кирадиган ишлаб чиқариш харажатлари, ялпи ва товар маҳсулотлари ҳажми, ялпи даромад ва фойда, самарадорлик, меҳнат унумдорлиги, рентАбеллик ва бошқа омиллар иқтисодий адабиётларда кенг ёритилганлиги боис биз асосан бозор омилларига тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий мақсади фойда олишдан иборат бўлади. Бу эса биринчи навбатда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлашни тақозо этади. Товарнинг рақобатбардошлигини таъминлашда унинг сифат даражасини ошириш асосий омил бўлиб ҳисобланади

Ушбу омилларнинг узвий боғлиқлиги хомашёдан тайёр маҳсулотни сотиш жараёнигача бўлган поғоналарда сифат даражасини стандартларга мос ҳолда сақлаб туради.

Ҳозирги даврда корхоналарнинг экспортга йўналтирилганлик даражасини оширишда уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидагиларда ўз ифодасини топади.

- экспорт учун ажратилган кредитларни кафолатлаш ва суғурталаш, экспортчиларни узоқ муддатли тижорат ва сиёсий хавф-хатардан ҳимоялаш;

- замонавий асбоб-ускуна, импорт қилинадиган техника-технологияларга имтиёзли солиқлар белгилаш орқали қўллаб-қувватлаш;

- экспорт маҳсулот чиқарадиган корхоналарга ахборот-маслаҳат, маркетинг ва техник жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, лизинг тизимини кенгайтириш;

- меъёрий-ҳуқуқий ва солиқ тизимларини жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш, халқаро сертификатлар тизимини кенг ёйиш;

- корхонанинг рақобатбардошлилигини оширишда талаб ва таклиф ҳамда макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг янги усулларини қўллаш асосида замонавий моделларни яратиш;

- корхоналарнинг ўзаро, тармоқлараро ва халқаро иқтисодий - молиявий алоқаларини кенгайтириш;

- буюртма пакетлари асосида маҳаллий хом ашедан тўла равишда фойдаланган ҳолда касаначиликни ривожлантириш.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мазкур омилларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамият касб этади. Шу билан бирга улар ўзаро бир бирини тўлдиради. Шундай экан, ушбу омилларнинг ҳар биридан унумли фойдаланиш зарур, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда уларнинг аҳамияти бекиёс.

## 2-жадвал

### Чарм пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари 2022-2024 йиллар бўйича асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва мақсадли параметрлари тўғрисида

| № | Кўрсаткичлар номи                         | Ўлчов бирлиги | 2022йил<br>факт | 2023йил<br>якуни | 2024йил<br>режа |
|---|-------------------------------------------|---------------|-----------------|------------------|-----------------|
| 1 | Товар маҳсулоти<br>(солиштирма нархларда) | млрд.сўм      | 5530,8          | 7696,9           | 11511,9         |
| 2 | Чарм маҳсулотлари                         | млн.кв.дм     | 2179,4          | 2470,9           | 2772,0          |
| 3 | Пойабзал ишлаб чиқариш                    | млн.жуфт      | 205,3           | 246,4            | 306,2           |
| 4 | Чарм атторлик<br>маҳсулотлари             | млрд.сўм      | 120,3           | 153,7            | 214,5           |

2-жадвал маълумотларини таҳлил қиларканмиз ўтган 2023 йил якуни бўйича:

7696,9 млрд. сўмлик товар маҳсулотлари (ўсиш 117,5%); 2470,9 млн. кв. дм. чарм маҳсулотлари (141,2%); 246,4 млн жуфт пойабзал маҳсулотлари (136,2%); 153,7 млрд. сўмлик чарм атторлик (113,5%) маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткичлар салмоғининг ошиши 2024 йилда мақсадли параметрлари режалаштирилган

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда пойабзалга бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Ушбу вазифанинг ечимини топиш мақсадида маҳаллий хом ашёдан фурнитура, ёрдамчи ва бутловчи материаллар ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тармоқ дастури ишлаб чиқилди. Уюшманинг чарм хом ашёсини қайта ишловчи корхоналари томонидан ҳар йили 500 млн. кв.дм дан ортиқ чарм товарлар ишлаб чиқарилади ва қайта ишланади ва ушбу маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 20,0 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Республиканинг пойабзал ва чарм-галантерея корхоналарида йилига умумий миқдори 25,0 млрд. сўмлик 17,0 млн.дан зиёд жуфт юқори сифатли пойабзал, замонавий чарм кийим-кечаклар ва чарм-галантерея буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакат чарм пойабзал саноатида ўсиш динамикаси кузатилмоқда ва унинг ривожланишидаги муҳим йўналишлардан бири тайёр маҳсулотлар бозорида ҳам, хом ашё бозорида ҳам импорт ўрнини эгаллаш ҳисобланади. Тармоқ корхоналарида барча турдаги махсус пойабзаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, аёллар, болалар ва ўсмирлар учун замонавий пойабзаллар ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

Пойабзалнинг вазифасига кўра, бозор таркибида унинг ярмидан ортиғини (55%) кундалик пойабзал ташкил этади. Кундалик пойабзал улушининг катталиги нафақат маҳаллий бозор учун, балки ҳар қандай мамлакат бозори учун ҳам хосдир. Иккинчи ўринни спорт пойабзали эгаллайди (13%), у мамлакат ёшлари ўртасида кундалик пойабзал сифатида ҳам оммалашган. Модабоп пойабзал улуши ҳам тахминан шунчага тенг (12%). Бу, асосан, аёллар ва қизлар пойабзали ҳисобланиб, анъанавий ўзбек оилаларида қизлар сепининг (турмуш қураётганда қизнинг ота-онаси ёки қариндошлари томонидан бериладиган мулк) таркибий қисми ҳисобланади. Махсус пойабзаллар улуши – 8%, хонаки – 7%га тенг. Сафар пойабзали улуши энг кам бўлиб, 5%ни ташкил этади.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришда уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, чарм-пойабзал корхонларга инновацияларни жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган янги тизимнинг ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бу борада мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун замин яратади.

Чарм-пойабзал саноати корхоналарининг тизимли таҳлили жараёнида энг аввало, бозорлар, корхонанинг бозордаги тутган ўрни, товарлар, истеъмолчилар, рақобатчилар, нарх-наво сиёсати, товарлар ҳаракати жараёнлари, товарни сотиш билан боғлиқ хизматлар, эҳтиёжларнинг шаклланиш тизими ва сотишни рағбатлантириш, реклама фаолияти изланади.

Корхона ташкилий ва ишлаб чиқиш структурасини ташкил қилишда бозорнинг турли туман - иқтисодий, демографик, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсири остида пайдо бўладиган турли истеъмолчилар категориясининг талабига хос томонларини ўзида акс эттирувчи сегментлар йиғиндиси сифатида ўрганади.



**Адабиётлар/Литература/References:**

Авдеенко В.Н., Котлов В.А. (2001). Оценка экономического потенциала промышленных предприятий. М.:

Қодиров А. (2013). Korxona iqtisodiyoti. Darslik. –Т.: “Fan va texnologiya”, 152 бет.

Қодиров А., Абулқосимов Х., Камолов М. (1995). Хўжалик юришнинг янги шароитида ишлаб чиқариш сарадорлигини ошириш.Т.:ТДТУ.

Мамаджанов Х.А. (2001). Модель сравнительной оценки стоимости интеллектуальной собственности. // Вопросы оценки. №2, С.2.

Монография (2011). «Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт». Т.: 2006; «Инқироз сабоқлари ва глобал тахдидлар шароитида иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели»,Т.:2010; «Ўзбекистон: жахон молиявий иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш».Жамоа монографияси, Т.: 2011

Попков В.В. (2018). Развитие методики анализа инновационной деятельности на машиностроительных предприятиях. Саратов.: 20078. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 125-сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!” деган ғоя асосида давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалар бўйича ўтказилган матбуот анжуманлари маълумотлари;

Фармон (2022). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ПФ-«Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг 2005–2011 йиллар учун ўртача йиллик маълумотлари.60-сонли Фармони. // www.lex.uz.

Юсупова Н.М. (2008). Инвестиционные возможности республики Узбекистан // Общество и экономика,№3-4, М.6.